УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

# ЖАНГЛАРДА ЎТГАН УМР

Бир минг тўққиз юз ўн олтинчи йил. Йигирма баҳорни кўрган Абдусаттор Хўжанд темир йўл станциясига ишга кирди. Янги шароит, ишчилар синфи билан бўлган алоқалар Абдусатторга мамлакатнинг ҳатто узоқ-узоқ жойларида рўй бераётган воқеаларни ҳам чуқурроқ англаб олишга имкон берди. Октябрь инқилобининг яқинлашиб қолганлиги сезилиб турарди. Халқнинг норозилиги борган сари зўраяётганлигини йигитлар яхши билишарди. Бу норозилик қаҳру-ғазабга, «оқ подшо»га нисбатан қатъий норозиликка айлана борди.

Ўша йилнинг ёзида Хўжанд станциясига генерал-губернатор Куропаткин келди. Бир гала маҳаллий бойлар Туркистон ўлкаси генерал-губернаторини зўр иззат-икром билан кутиб олиш мақсадида яқин қишлоқлардан деҳқонларни станцияга ҳайдаб келишди. Оломоннинг қаҳр-ғазабидан қўрққан Куропаткин ўз нутқини тугатмай, шошилинч равишда извошига ўтирди-да, маҳаллий амалдорларнинг паноҳида Хўжандга қочиб қутулди.

Абдусатторнинг онаси Ҳамрохон Собирова ҳам ана шу намойишчилар орасида эди. Ҳамро опа маҳаллий бой мулла Ғафурнинг фарзандлари Мажид ва Ҳамиднинг ножўя хатти-ҳаракатлари, жирканч ишларини очиқ-ойдин фош қилиб ташлади. Шу воқеанинг эртаси куниёқ жазо отряди «исёнчилар»дан қасос олишга киришди. Ҳамрохоннинг уйида ёлғиз қолганлигидан фойдаланиб, уни ваҳшиёна ўлдирдилар.

Меҳрибон онадан жудо бўлган Абдусаттор бойлар ва чор ҳокимияти амалдорларининг зулмидан қутилиш учун ашаддий ва кучли душманга қарши яккама-якка олишиш фойдасиз эканлигини тушунарди. Курашнинг қандайдир бошқача йўлини топиш лозим эди.

Ниҳоят, ана шундай йўл топилди. Рус темир йўл ишчиларидан Кушнарев, Рогачев, Мокрушин ва бошқа большевиклар Абдусатторга атроф-теваракда рўй бераётган воқеаларни тўғри тушуниб олишга ҳамда курашнинг бирдан-бир тўғри йўлига ўтиб олишга ёрдам бердилар. Айниқса, Виктор Савельевич Кушнарев ёш ишчи Абдусаттор Шерматовнинг биринчи сиёсий маслаҳатчиси бўлди. Абдусаттор кекса коммунистлар, ишчилар ҳузурида тез-тез бўлиб, улар билан суҳбатлашадиган бўлиб қолди. Тажрибали большевик Кушнарев уни большевиклардан Мокрушин ва Аширматов билан таништирди.

Абдусаттор Хўжанд станциясида ишлаётган большевикларнинг муҳим топшириқларини бажонидил бажарарди. Бу Абдусатторнинг революцияга қўйган илк қадами бўлди. У Россия марказида рўй бераётган революцион ҳаракат тўғрисида камбағал деҳқонлар орасида суҳбатлар ўтказар, ўз тингловчиларига революцияни тайёрлаш ҳақида гапириб берар, уларни курашга даъват этарди.

1917 йил... Ишчилар синфи деҳқонлар билан биргаликда чор ҳокимиятини улоқтириб ташлади. Коммунистлар партияси раҳнамолигида социалистик революция ғалаба қозонди.

Абдусаттор Шерматов 1918 йили Хўжанд станциясида ташкил этилган коммунистик дружинага аъзо бўлиб кирди. Ўша йилнинг ўзидаёқ темир йўл ишчилари билан биргаликда коммунистлар партияси сафига қабул қилинди. Илғор ишчи, революцион ишда чиниққан ёш коммунистни 1919 йилнинг охирида Қўқондаги қизил командирлар ва сиёсий ходимлар мактабига ўқишга юборишди.

Бу ерда қарийб бир йил таълим олгач, Абдусаттор биринчи мусулмонлар кавалерия полки ихтиёрига юборилди ва 1920 йилда Бешариқда жойлашган учинчи эскадроннинг сиёсий раҳбари қилиб тайинланди. Бу эскадрон Қизил Армиянинг бошқа қисм ва бўлинмалари ҳамда кўнгилли дружина ва отрядлар билан елкама-елка туриб, Мадаминбек, Омонполвон, Раҳмонқул, Ислом ва бошқа қўрбошиларнинг отрядларини тор-мор келтиришда фаол қатнашди.

1922 йил. Шерматов Хўжандга қайтиб, кўнгилли отлиқлар отряди тузишда иштирок этади, отряд командирининг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилади. Отряд Машраб, Абдулаҳад, Маҳсум, Турди, Норқўзи, Холбўта, Аҳмадхўжа каби босмачиларнинг Ўратепа ва Хўжанд атрофида изғиб юрган галаларини йўқотишда қатнашади.

Коммунист Шерматовни жонажон партия қайси ишга юбормасин, у партия топшириғини виждон амри билан, оташ қалб даъвати билан бажо келтирарди. У 1923 йили Матчоҳ партия ташкилотининг секретари, келаси йили милиция бўлими бошлиғи вазифаларида ишлар экан, Буденний суворийлари билан ёнма-ён туриб, Аҳмадхўжа ва Холбўта бошлиқ босмачилар шайкасини тугатишда жонбозлик кўрсатди.

А. Шерматов шундан сўнг масъулиятли вазифаларда — сув ва ер ислоҳоти бўйича тузилган комиссияларда ишлади. Сўнгра Хўжанд халқ судьяси Шерматов Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг тавсияномаси билан Хўжанд округ судига раис қилиб тайинланади. Айни замонда у уезд ҳамда округ партия ва ижроия комитетларининг аъзоси, хотин-қизларни озодликка чиқариш бўйича округ комиссиясининг раиси эди.

1927—1929 йилларда эса Тожикистон автоном республикаси, сўнг Тожикистон ССР Ижроия комитетига аъзо қилиб сайланади. Ички синфий душманлар — қулоқларни тугатишда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, деҳқонларни коллектив хўжаликларга жалб этишда ҳам актив ишлади у.

1930 йили Абдусаттор Шерматов Тошкентга келади ва бу ердаги партия ва совет ташкилотларида ишлайди. Бу орада у неча марта меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига депутат қилиб сайланади.

...Йиллар ўтди. Умри шиддатли жангларда ўтган Абдусаттор ака Шерматов ҳозирги пайтда кексалик ҳузур-ҳаловатини суриб яшамоқда. 1918 йилдан партия аъзоси Абдусаттор Шерматов севимли Ватанимиз бахт-саодати йўлида, халқимиз олдида кўрсатган сидқидил ва ҳалол хизматлари учун эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди.

**Ҳ. ТОЖИБОЕВ.**

# ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК

«Главташкентстрой» партия комитетининг навбатдаги пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатларини тугатиш, шаҳарни тиклаш ва қайта қуриш бўйича 1966 йил 29 июнь ва 23 август қарорларининг бажарилиши тўғрисида «Главташкентстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари **В. С. Скребневнинг** докладини тинглади ва муҳокама қилди.

— Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида, — дейди докладчи, — «Главташкентстрой» ва унинг пудратчи ташкилотлари 89 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. 257 минг квадрат метр турар-жой майдони, 10 та янги мактаб биноси, 7 та болалар боғча ва яслилари қуриб фойдаланишга топширилди. 159-қурилиш трести, 2-«Таштрансспецстрой» ихтисослаштирилган трести ва бошқа қатор ташкилотлар яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Биноларни қайта тиклаш бошқармаси саккиз ойлик планни 101,6 процент бажарди. 12 минг 557 квартира, 52 мактаб ва қатор бошқа объектлар ремонт қилинди ва қайта тикланди.

Бироқ, план топшириқларини бажаришда барча имкониятлардан ҳам тўла фойдаланаётирмиз, деб бўлмайди. Умумқурилиш ва ихтисослаштирилган трестлардан саккизтаси саккиз ойлик топшириқни бажаргани йўқ. Бунинг оқибатида «Главташкентстрой» бўйича саккиз ойлик план 93 процентда қолиб кетди.

Баъзи трест ва бошқармаларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари меҳнатни ташкил этиш масалалари, кишилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар билан жиддий шуғулланмадилар. Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш, моддий-техника ресурсларини тежаб-тергаб ишлатиш ўрнига айрим ҳолларда хўжасизликка йўл қўйилди. Бош пудратчи ва пудратчи ташкилотлар ўртасида ҳамжиҳатлик бўлмаганлиги учун ҳам йирик камчиликлар рўй берди.

— «Главташкентстрой» ва унинг барча пудратчи ташкилотлари олдида турган асосий вазифа,—дейди ўртоқ В. С. Скребнев, — зилзиладан зарар кўрган оилаларни уй-жой билан таъминлашдан иборат экан, биз бинокорлар барча куч ва ғайратимизни ана шу масъулиятли вазифани тезроқ бажаришга қаратмоғимиз лозим. Шу йил 1 ноябргача турар-жой биноларининг 70 процентини қуриб беришимиз лозим эди. Бироқ бу вазифа кўнгилдагидек бажарилаётгани йўқ. Август ойида 26 минг ўрнига атиги 8 минг 773 квадрат метр турар-жой биносини фойдаланишга топширдик.

Трестлар, бошқармалар ва барча ташкилотлар раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари, коммунистлар оммани олдимизда турган зарур вазифаларни бажаришга сафарбар этмоқлари керак. Қурилиш машина ва механизмларининг, автомашиналарнинг икки сменада ишлашини ташкил этмоқ зарур.

— Ҳар қандай ишнинг муваффақияти, дейди докладчи кишилар меҳнатига боғлиқ. Қурилишда кеча-кундуз фидокорона меҳнат қилаётган бинокорларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш чора-тадбирларини кўриш лозим. Қурувчиларнинг вақтинча яшаб турган жойларида, қурилиш майдонларида озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилишни кенгайтириш зарур. Токи улар қимматли вақтларини бекорга сарфламасинлар.

Шубҳа йўқки, «Главташкентстрой» бинокорлари Иттифоқимизнинг турли шаҳар ва областларидан келган қардошлар ёрдамида янги, навқирон Тошкент бунёд этадилар. «Главташкенстрой» партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорларини бажаришда ўзининг уч мингдан ортиқ коммунистлари билан биргаликда коммунистик меҳнат намуналарини кўрсатадилар.

Ўртоқ В. С. Скребнев доклади юзасидан бўлган музокараларда биринчи бўлиб 159-қурилиш трести партия комитетининг секретари **А. Исҳоқов** сўзга чиқди. Ўртоқ Исҳоқов трест бўйича саккиз ойлик план топшириқларини 104,3 процент қилиб бажарилганлигини, қурилиш ҳажми 1,5 миллион сўмга кўпайганлигини айтди.

— Трестимиз коммунистларининг 70 проценти, — деди нотиқ,—бевосита ишлаб чиқариш билан банд.

Лекин ҳали имкониятларимиз даражасида ишлаётганимиз йўқ. Бунга баъзи бинокорлик материалларининг етишмаслиги, лойиҳа-смета ҳужжатларининг вақтида олинмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

153- трестнинг 1 қурилиш бошқармаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи **Р. Зиёев** бригада коммунистларининг ажойиб ишлари ҳақида гапириб берди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда «Главташкентстрой» партия комитетининг секретари **А. А. Каприелов**, 1-«Строймеханизация» тресты партия комитетининг секретари **А. Поздняков**, 4-қурилиш тресты бошқарувчиси **Е. П. Кириенко** ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитети қурилиш бўлимининг мудири **М. С. Саидов**, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **М. О. Толипов**, бинокорлик материаллари саноати министри **А. Каримов** ўртоқлар иштирок этдилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

# ПРОПАГАНДИСТЛАР КЕЧАСИ

Пойтахтнинг Ленин райони пропагандистларининг дам олиш кечаларини ўтказиш анъанага айланган. Куни кеча район пропагандистлари партия маорифи системасида янги ўқув йилининг бошланиши олдидан яна бир марта ана шундай кечага тўпландилар.

Пропагандистлар «Огонёк»инийнг дастлабки саҳифаси Ленинга бағишланди. Қишки саройга ҳужум қилиниши ҳақидаги фильмдан парчалар кўрсатилди.

Сўнгра район партия комитетининг секретари И. Мельникова пропагандистларни янги ўқув йилининг бошланиши билан қизғин табриклади.

Кечада районнинг энг яхши пропагандистлари ҳурмат билан тилга олинди. Улар учун халқ филармонияси ҳаваскорлари концерт қўйиб беришди.

Кафанов номли паркда ўтказилган бу кечада пропагандистлар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар, ҳамкасблари билан биргаликда яхши ҳордиқ чиқардилар.



● Машинасозлар кунини муносиб совғалар билан кутиб олган «Таштекстильмаш» заводи коллективи шу кунларда Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига вахтада туриб меҳнат қилмоқда. Ишчилар тайёрланаётган агрегатлар сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: корхона илғор ишчиларидан бир группасини кўриб турибсиз.

**В. Сироткин** фотоси.




# ҲАРБИЙ БИНОКОРЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ҳарбий бинокорларга қарата Мурожаати Сергели бунёдкорлари ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшиб юборди. Қурилиш ишларини жадаллаштириш бўйича барча имкониятлар ишга солинаётир. Ҳарбий бинокорлар мурожаатга жавобан 1 ноябргача 100 минг квадрат метр, 1 январгача яна 50 минг квадрат метр турар жойни фойдаланишга топширишга қарор қилдилар.

— Сергелига дастлаб келган кезларимизда ёш солдатларнинг кўпчилиги ҳали ранда ушлашни, ғишт теришни яхши билишмас эди, — дейди рота командири К. Куваев. — Кунлар ўтиши билан солдатлар бинокорлик касбининг миридан сиригача пухта ўрганиб олдилар. Ҳозир барча бригадалар топшириқни ортиғи билан адо этишмоқда.

Эгамов, Шулпин, Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ бригада ва звенолар аъзолари чиндан ҳам уста бинокор бўлиб қолишган. Улар шу кунларда тағин ҳам ғайрат билан ишлаб, кунлик топшириқларини ортиғи билан бажаришяпти. Мурожаатдан сўнг азаматлар ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишди. Ўртоқ Шулпин бошлиқ звено 1 ноябргача яна ўн та уйни, Аҳмедов бошлиқ бригада аъзолари 10 октябргача янги ошхона биносини, Эгамов бошлиқ бригада эса 10 октябргача 30 та бир хонали уйни тўла қўлдан чиқариш учун курашмоқдалар.

Юксак мажбурият ҳарбий бинокорларни янги-янги марралар сари бошламоқда. Улар ҳозир кунни тунга улаб меҳнат қилишяпти. Ҳамманинг дилида бир эзгу ният — у ҳам бўлса совуқ кунлар бошлангунга қадар зилзиладан бошпанасиз қолган тошкентликларга кўркам ва чидамли турар-жойлар калитини топширишдир.

**Н. БОЙМАТОВ.**

# РЕМОНТЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Корхонамизда бинокорлик бригадаси тузилмасдан олдин бафуржа ўтириб, зилзила келтирган зарарни бирма-бир ҳисоблаб чиқдик. Штаб аъзолари ишчилар, инженер-техник ходимлар уйларида бўлиб, зилзила келтирган зарарни аниқладилар. 300 та квартира ремонт талаб бўлиб чиқди. Уларнинг кўпчилиги жиддий шикастланган эди. Комбинат маъмурияти, партия ташкилоти ва касаба союзлари комитети ремонт ишларини бажарувчи бригада тузишга қарор қилдилар. Шундан сўнг 40 кишилик бригада ташкил топди. Унга биз кўнгиллиларни бириктирдик.

Бригада аъзолари ўз зиммаларига юклатилган вазифани яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам вақтни ғанимат билиб, тезда ишга киришиб кетдик. Корхона маъмурияти бизни тегишли қурилиш материаллари билан таъминлаб турди. Алебастр, ғишт, цемент, тахта ва бошқа хил материалларни ўз вақтида ремонт майдонига етказиб берилди.

Орадан кўп ўтмай ишчиларнинг дастлабки квартиралари фойдаланишга шай бўла бошлади. Ремонтдан чиққан уйларга кўчиб кираётган ишчилар бинокорлардан беҳад миннатдор эдилар. Одамлар чеҳрасидаги табассум бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб юборди. С. Билинкин, Р. Шайаҳметов, В. Васильев каби пешқадамлар смена топшириқларини 1,5—2 ҳиссага етказиб бажаришга ҳаракат қилдилар.

Ҳозиргача комбинат бинокорлари 120 дан ортиқ квартирани тўла ремонтдан чиқариб бўлдилар. Шуниси қувончлики коллективимиз фақат бизга кўз тикиб ўтиришмади. Ўз уйини ўзи ремонтдан чиқариш истагини билдирганлар ҳам топилди. Улар сони кун сайин ошиб борди. Шуни ҳисобга олиб, корхона фондидан ишчиларга ёрдам учун 2 минг дона шифер, кўплаб тахта, ғишт ва бошқа материаллар учун қўшимча маблағ ажратилди. Шу кунгача комбинат маъмурияти 8 минг сўмга яқин, касаба союзлари комитети 1700 сўм ва озиқ-овқат саноати касаба союзлари область комитети 800 сўм пулни ўз маблағидан олиб ишчиларга тақсимлаб бердилар. Бу маблағлар билан яна кўплаб квартиралар ремонтдан чиқарилди.

Ремонт ишларини бажараётган биргина бизнинг бригада эмас. Андижон сут комбинатидан И. Букреев, А. Ҳусниддинов, Қарши сут комбинатидан У. Мўраев, Ф. Муистов ва бошқа ўртоқлар ҳам Тошкентга ҳашарга келишган. Улар ҳам алоҳида бригада ташкил этиб, комбинатимиз ишчиларининг квартираларини тиклаб беришда бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Дўстларимиз ёрдамидан биз ғоятда хурсандмиз. Ҳаммалари сидқидилдан, ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Яқинда биз ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, зиммамизга конкрет мажбурият олдик. 30 сентябргача барча квартиралар ремонтини тўла-тўкис тугаллаймиз.

Сўз бердикми, унинг устидан албатта чиқамиз. Илгари ҳам график бўйича ишлаб, олдимизга қўйилган вазифаларни ўз вақтида бажариб келардик. Ишчилардан Е. Дашкин, Қ. Комилов, Х. Зокирова, Я. Рижов ва бошқа ўнлаб ўртоқларнинг оилалари муддатидан олдин ремонти тугалланган ўз уйларига кўчиб ўтдилар. Бундан буён ҳам биз графикдан ўзиб ишлашга ҳаракат қиламиз.

**А. ЧЕРТОВ,**
**Тошкент гўшт комбинати бош механиги, ремонтчилар бригадасининг бошлиғи.**

# ҚУРБОН ОТАНИНГ 102 ҚИЗИ

26 сентябрь куни Тошкентдаги Олмазор маҳалласида қуйидаги ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлишингиз мумкин эди. Бир тўда қизлар рюкзак ва чемодан кўтариб олиб, бутун кўчани тўлдириб келишарди. Паст бўйли, серҳаракат кўк ишчи кийимидаги бир чол уларнинг олдинги сафида келарди.

Бироздан сўнг В. И. Ленин номидаги Республика хотин-қизлар педагогика билим юртининг раҳбарлари ҳарбийчасига қисқа рапортни қабул қилишди:

— 102 қизимни олиб келдим! Ҳаммаси пахта теримига тайёр, ўзим уларга бригадирлик қиламан...

Қурбон ота Бекмуҳамедов шундай деб рапорт берди.

Эндиликда фақат Олмазор маҳаллясигина эмас, балки бутун Тошкент аҳолиси ҳам бу кишининг номини чуқур ҳурмат билан тилга олади. Октябрь социалистик революциясининг, босмачиларга қарши курашнинг иштирокчиси бўлган Қурбон ота Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам юксак онглилик намунасини кўрсатди. Одесса, Ленинград, Киев ва Орел шаҳарларидан Тошкентга эвакуация қилинган жуда кўп болалар Бекмуҳамедовлар уйида бошпана топишган эди. Фақат бошпанагина эмас. Қурбон ота уларнинг ҳар бирига, турли миллат кишиларига — рус, украин, еврей, татар болаларига қадрдон ота бўлиб қолди, уларни парваришлади, ғамхўрлик қилди. Ҳаммаларига ихтисосни эгаллаш, ишга жойлашишда кўмаклашди. Ҳозиргача Қурбон отанинг уйига мамлакатнинг турли жойларидан эндиликда инженер, артист, токарь, шофер бўлиб етишган ана шу болалардан хатлар келиб туради. Улар чин қалбдан бу ажойиб кишига миннатдорчилик билдиришади.

26 апрель тонгида Тошкент тупроғи ерости стихияси зарбаларидан ларзага келган пайтда, Бекмуҳамедов 82 ёшга тўлган эди. Унинг уйи омон қолди, лекин кўп жойларида ёриқлар пайдо бўлди. Лекин чол аввалгидек фақат ўз тинчлигини ўйламади, у бошқа кишиларнинг тақдири ҳақида ҳам қайғурди. Биринчи зарбадан сўнг оз вақт ўтгач у Максим Горький кўчасига бориб, Шамсуддиновлар оиласининг буюмларини бузилиб кетган бино остидан олиб чиқишда кўмаклашди. Тўрт кишидан иборат бу оила билан чол ўз уйида, зилзиладан зарар кўрган кишиларни олиб келгандан сўнг танишди.

Орадан кўп ўтмай яна бир танишув рўй берди. Қурбон ота В. И. Ленин номидаги хотин-қизлар педагогика билим юрти биносининг олдидан ўтатуриб, юклари билан кўчада ўтириб олган 17 қизни кўриб қолди. Улар ётоқхона вайрон бўлди, қаерда тунашимизни билмаймиз, дейишди. Орадан бир неча соат ҳам ўтмасдан улар ювиниб ва овқатланиб бўлгач, чолнинг уйида, стол атрофида ўтириб, унинг содиқ ва меҳрибон рафиқаси Шарофат холанинг дилкаш суҳбатини тинглаб ўтиришарди.

— Энди мен бойиб кетдим, аввалги икки қизим қаторига яна ўн еттитаси қўшилди, — дерди Қурбон ота қўшниларига суюниб.

Кейин қизларнинг сафи тез ўсиб борди. Уникига бошпанасиз қолган дугоналари келишди — қизлар 40 тага етди. Кейин яна 17 қиз қўшилди. Билим юртида ўқув йили бошланиши арафасида эса 102 бўлғувси педагог Бекмуҳамедовларни ўз онам ва отам, деб айтадиган бўлишди. Уларнинг ҳаммаси учун чол ва кампир уйида ҳам, улар қалбида ҳам жой топилди. Уйим кенгроқ бўлсин, деб Қурбон ота ўз болаларини қариндошлариникига жойлаштириб қўйди.

Сентябрь оқшомларининг бирида Қурбон ота пахта терими ҳақида гап очиб қолди.

— Пахтакорларимизга ёрдам берамизми? — деб сўради у қизлардан.

«Оилавий кенгаш»да қабул қилинган қарор Қурбон ота ва Шарофат холани қувонтириб юборди. 102 қизнинг ҳаммаси, биз пахта теримида Бекмуҳамедовлар хонадонининг обрўсини туширмаймиз, деб айтишди.

26 сентябрь куни Қурбон отанинг ҳамма қизларидан иборат бригада «Фарҳод» совхозига жўнаб кетди. Бутун маҳалла уларга муваффақият тилаб қолди.

**Г. ЛИПШИЦ**
(ЎзТАГ мухбири).



● Бу суратдаги тўрт қаватли ҳашаматли бино Тошкент уй-қурилиш комбинати қурувчиларининг биринчи туҳфаси.

А. Тўраев фотоси.

